

**«ТАСДИҚЛАНГАН»  
"O'zDonmahsulot" Акциядорлик  
Компанияси акциядорларининг  
2016 йил 24 июндаги умумий  
йиғилиши томонидан.**

**«O'ZDONMAHSULOT» Акциядорлик компанияси  
Дивиденд тўлаш тартиби тўғрисида  
Н И З О М  
(янги тахрирда)**

## **I. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР**

**1.** Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик компаниялари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун), бошқа қонун ҳужжатлари ва "O'zDonmahsulot" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) Устави асосида ишлаб чиқилган.

**2.** Ушбу Низом Компаниянинг акцияларига дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

## **II. КОМПАНИЯНИНГ АКЦИЯЛАРИГА ТўЛАНДИГАН ДИВИДЕНД**

**3.** Дивиденд Компания соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

**4.** Компания акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ушбу акциялар номинал қийматининг 25 фоизига тенг бўлган миқдорда белгиланган йиллик фоиз ставкаси даражасида тўланади. Агар дивиденд миқдори оддий эгаси ёзилган акциялар номинал қийматининг 25 фоизидан кўп бўлса, у ҳолда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар оддий эгаси ёзилган акцияларга бериладиган дивидендлар миқдори билан бир хилда тўланади.

**5.** Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд компаниянинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

**6.** Компаниянинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

**7.** Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига муносиб равишда тақсимланади.

**8.** Дивидендлар қонун ҳужжатларига мувофиқ соликка тортилади.

## **III. КОМПАНИЯНИНГ АКЦИЯЛАРИГА ДИВИДЕНД ТўЛАШ МУДДАТЛАРИ**

**9.** Компания молиявий йил натижаларига кўра, агар ушбу қонун ва компания уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

**10.** Компаниянинг молиявий йилнинг натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

## **IV. КОМПАНИЯНИНГ АКЦИЯЛАРИГА ДИВИДЕНД ТўЛАШ ТўҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

**11.** Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Компания кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда,

молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

**12.** Дивидендларнинг миқдори компания кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

**13.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек компания уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

**14.** Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар курсатилган бўлиши лозим.

**15.** Агар дивидендлар тўлаш оқибатида Компаниянинг молиявий- хужалик ахволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўланмайди.

## **V. КОМПАНИЯНИНГ АКЦИЯЛАРИГА ДИВИДЕНД ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ДИВИДЕНДНИ ТЎЛАШДАГИ ЧЕКЛАШЛАР**

**16.** Дивидендлар компаниянинг компания тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Компаниянинг бунинг учун махсус мулжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

**17.** Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Компаниянинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

**18.** Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича катъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда компания мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Компания рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Компания етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар компания томонидан Компаниянинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

**19.** Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Компания ихтиёрида қолади.

**20.** Компания Узбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

**21.** Компания акциядорларининг реестридан олинган, Компания томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда Компания бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**22.** Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Компания

акциядорларнинг реестрида кайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

**23.** Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Компаниянинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади.

Компания томонидан ҳисобланган дивидендларни ва пеняларни тўлашни акциядор суд тартибда талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан каноатлантирилганда дивидендларни тўлаш Компания томонидан рад этилган тақдирда, Компанияга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

**24.** Компания:

Компания устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб булингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Компанияда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Компанияда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Компания соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳдмда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу моддада курсатилган ҳолатлар тугатилгач, Компания ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

## **VI. ДИВИДЕНД ТЎЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА АКЦИЯДОРЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ**

**25.** Компания дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Компания тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва компаниянинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

***Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси***